

БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШГА ДОИР ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

А.К.Эралиев - СамИСИ ассистенти

Аннотация: Ушбу мақолада балиқчилик хўжаликларига ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми динамикасини ҳамда балиқ маҳсулотлари таннархи даражаси динамикасини узлуксиз равишда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки таҳлил туфайли харажатларни камайтириш ва таннархни пасайтириш имкониятлари аниқланади, натижада улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: Балиқчилик, харажат, дастлабки ҳисоб, харажат моддаси, харажат объекти, кластер, инновация, калкуляция.

Аннотация: Важно постоянно анализировать динамику производственных затрат на рыбных фермах и динамику себестоимости рыбных продуктов, так как анализ выявляет возможности для снижения затрат и снижения затрат, что приводит к мерам по их использованию.

Ключевые слова: рыболовство, стоимость, первоначальный учет, статья затрат, объект затрат, кластер, инновации, расчет.

Abstract: It is important to continuously analyze the dynamics of production costs in fish farms and the dynamics of the cost of fish products, as the analysis reveals possibilities for reducing costs and reducing costs, resulting in measures for their utilization

Keywords: Fisheries, Cost, Initial Accounting, Cost Item, Cost Object, Cluster, Innovation, Calculation.

Кириш. Сўнгги йилларда республикамизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, сифатли балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, аҳолини балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Бунинг негизда, балиқчилик хўжаликларини иқтисодий манфаатларини инобатга олган ҳолда, уларга турли имтиёзлар берилмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси”¹да балиқчилик соҳасида наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини тадбиқ қилиниши айтиб ўтилди. Ҳукуматимиз томонидан соҳага берилаётган бундай эътибор ўз навбатида, балиқчилик хўжаликлари ихтиёрида сезиларли даражада пул маблағлари қолиши, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиб, даромадларини янада ошириши, бу орқали балиқчилик хўжаликларининг молиявий барқарорлиги таъминланиши каби имкониятларни беради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Балиқчилик хўжаликлариди харажатлар хўжалик фаолияти амалга ошириш учун сарфланган моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари (меҳнат ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар) сарфидан иборат бўлади. Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ишлаб чиқаришхаражатларини ташкил этиб, улар ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 6-ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²ги қарори бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни кўзда тутди. Ушбу қарорга мувофиқ, республикада балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш назарда тутилган. Шу билан бирга, ташкил этилаётган балиқчилик кластерларининг йиллик балиқ етиштириш қуввати камида 50 тонна бўлган тақдирда улар дастлабки уч йил давомида барча солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалардан озод этилади. Шу билан бирга насли она балиқ, балиқ увилдириғи ҳамда республикада ишлаб чиқрилмайдиган инкубация, лаборатория, интенсив усулда балиқ етиштириш, балиқ овлаш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, музлатиш ва сақлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, анжом, механизмларни ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, муқобил энергия таъминоти ускуналари, мелиорация ишлари учун махсус техникалар ва тирик балиқ ташувчи транспорт воситалари, чет эл ташкилотлари ва унинг шўъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжи учун четдан келтирадиган омухта ем ва минерал ўғит (аммафос) ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан озод этилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир харажатлар ҳисобини методологик жиҳатдан ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришнинг анализ ва синтез, таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Балиқчилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот киримининг дастлабки ҳисоби уларнинг алоҳида моддалари бўйича қуйидаги тартибларга кўра юритилади (1-жадвал).

1-жадвал

Балиқчилик ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тартиби

Харажат моддалари	Ҳисобга олиш тартиби
1.Балиқ маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари	Бир-бирлик маҳсулотнинг унинг бир-бирлик нархига кўпайтириш йўли билан топилади
2.Озуқа маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари	Бир-бирлик маҳсулотнинг унинг бир-бирлик нархига кўпайтириш йўли билан топилади

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 6-ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

3.Меҳнат харажатлари	Наряд бўйича ишланган соат миқдорини 1 соатлик тарифга кўпайтириш йўли билан топилади
4.Ижтимоий суғуртага ажратма	Ажратмага тортиладиган ҳисобланган иш ҳақини белгиланган ставкага кўпайтириш йўли билан топилади
5.Коммуналтўловлар	Ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини белгиланган ставкага кўпайтириш йўли билан топилади
6.Маркетинг харажатлари	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади
7.Ветеринария хизматлари	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади
8.Транспорт харажатлари	Хўжалик техникаси ва бошқа транспортларнинг ишлаган вақти миқдорига (соатига) қараб тақсимланади

Балиқчилик тармоғида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардаги каби, ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом”³га асосан тартибга солинади. Ушбу Низомга мувофиқ балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий моддалари иқтисодий мазмунига кўра бешта гуруҳга бўлинади. Булар:

– материал харажатлари – балиқчилик тармоғидаги ва бошқа турдаги материаллар қиймати;

– меҳнат ҳақи харажатлари – балиқчилик тармоғидаги ишчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи;

– ижтимоий ажратмалар - балиқчилик тармоғидаги ишчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига белгиланган ставкалардаги мажбурий тўловлари;

– амортизасия харажатлари - балиқчилик тармоғи асосий воситалари ҳамда номоддий активларининг ескириш қиймати;

– бошқа ишлаб чиқариш харажатлари – балиқчилик тармоғи учун сарфланган бошқа ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш мақсадларидаги харажатлар, масалан газ, сув, электр қуввати, пар таъминоти, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари, шунингдек турли хизматлар учун ҳисобланган тўловлар.

Балиқчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳар бир моддасини ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

³Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Низомни, 1999-йил 5-феврал. 54-сон

- балиқ маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари;
- озуқа маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий ажратмалар;
- коммунал тўловлари;
- маркетинг харажатлари;
- ветеринария хизматлари;
- транспорт харажатлари;
- кўзда тутилмаган харажатлар.

Балиқчилик ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счетлар режасидаги 2010 «Асосий ишлаб чиқариш счётлари»да ҳисобга олиб борилади. Ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби балиқчилик соҳаларининг йўналишларига қараб юритилади. “Балиқчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари счётларининг дебитида ҳақиқатда қилинган харажатлар акс эттирилади. Балиқчиликда калкуляция объекти бўлиб балиқ ва балиқ болалари ҳисобланади. Ушбу маҳсулотлар таннархини калкуляция қилишда уларнинг барчаси белгиланган коэффициентларда шартли маҳсулотга (балиққа) ўтказилади”⁴. Ҳар бир турдаги шартли маҳсулот бўйича топилган харажат шу турдаги маҳсулотнинг олинган миқдорига бўлиниб, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи топилади. Балиқ ҳовузлардаги овланмай қолган балиқларга тўғри келадиган харажатлар балиқчилик соҳаси учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари сифатида келгуси ҳисобот даврига ўтказилади.

Хулоса ва таклифлар

Балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини таклиф этилаётган харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб борилиши, харажатлар устидан назорат ўрнатиш, уларни камайтириш имкониятларини аниқлаш имконини бериш билан бирга, улар дастлабки ҳисобини такомиллаштиради, ҳар бир турдаги балиқ таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлашга олиб келиб, тармоқ самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2018-йил 6-ноябр. ПҚ-4005.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020-йил 24-январ.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий

⁴Дусмуратов Р.Д., Менгликулов Б.Ю. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва статистика асослари. – Т.: “Фан ва технология”, 2014. 201-б.

натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Низоми, 1999-йил 5-феврал. 54-сон

4. Дусмуратов Р.Д., Менгликулов Б.Ю. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва статистика асослари. – Т.: “Фан ва технология”, 2014. 201-б.

5. Пўлатов, Х. (2024). САВДО КОРХОНАЛАРИДА ЧЕГИРМАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(4), 485-491.

6. Пўлатов, Х. (2024). САВДО КОРХОНАЛАРИДА ЧЕГИРМАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(4), 485-491.

7. Пўлатов, Х. У. (2023). САВДО КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДАГИ МУАММОЛАР. *Экономика и социум*, (6-2 (109)), 925-927.

8. Shirinov, U. (2023). IMPROVING SEGMENT ANALYSIS IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *The Journal of Economics, Finance and Innovation*, 211-217.

9. Уразов, К. Б., & Ширинов, У. А. (2023). ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Экономика и социум*, (6-2 (109)), 1025-1028.